

Ҳерберт Уэллс

# ДУНЁЛАР ЖАНГИ



Жаҳон адабиёти дурдоналаридан

*Ҳерберт Уэллс*

# **ДУНЁЛАР ЖАНГИ**

Тошкент  
Info Capital Books  
2021

УЎК 821.111-31  
КБК 84-445(7Ана)  
У 97

**Таржимон:**  
**Нодирабегим Иброҳимова**

Ҳерберт Уэллс  
**Дунёлар жанги** [роман] : илмий - фантастик нашр /  
-Тошкент: «Info Capital Books», 2021. -208 б.

*Инглиз ёзувчиси Герберт Уэллс ўзбек китобхонларига “Вақт машинаси”, “Қуринмас одам” каби машҳур асарлари билан таниш. Унинг “Дунёлар жанги” романи 1898 йилда китоб ҳолида чоп этилган. Асарда ўзга сайёраликларнинг Ер сайёрасига ҳужум қилиш мавзуси қаламга олинган бўлиб, бу китоб ўша давр учун катта янгилик ҳисобланган. Воқеалар муаллифнинг ватани бўлмиш Англияда содир бўлади. Асар XX аср давомида доврўғини сақлаб қолди ва ҳозирги кунда ҳам фантастик асарлар рейтингидан тушгани йўқ. У дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган ҳамда роман асосида фильм ишланган. Эътиборингизга унинг ўзбек тилидаги таржимасини тақдим этмоқдамиз. Хаёлот оламингизга эрк беринг ва фантастика сеҳридан баҳраманд бўлинг.*

ISBN978-9943-5788-5-2

© Ҳерберт Уэллс, Дунёлар жанги, 2021.  
© «Info Capital Books», 2021.

Китобни ёзиш фикрини уйғотган укам  
**Френк Уэллсга** бағишлайман.

Агар яшашга яроқли бўлса,  
бу оламларда ким истиқомат қилади?...  
Биз - одамларми ёки дунё ҳукмдорлари?  
Ахир буларнинг барчаси инсон учун яратилмаганмиди?

**Кеплер, “Меланхолия анатомияси” асаридан.**

## I ҚИСМ

### МАРСЛИКЛАРНИНГ ТАШРИФИ

#### 1. Уруш арафасида

Ўн тўққизинчи асрнинг сўнгги йилларида гарчи биз каби ўладиган хилқат бўлсада, лекин одамлардан кўра, бир мунча ақлли мавжудотлар Ерликларни ҳушёрлик ва диққат билан кузаётганига ким ҳам ишонарди дейсиз. Одамлар одатий юмушлари билан овора экан, уларнинг тадқиқ этиб ўрганаётганлари – эҳтимол инсонлар микроскоп ёрдамида майда жонзотларни сувда ғиж-ғиж кўпайтириш борасида тажриба қилаётган бир пайтда, уларниям кимдир кузатаётгандир. Дунёнинг турли чеккаларида ўзига бўлган чексиз ишонч билан уйқуга ётганда, барча ишларни тахт қилишига амин бўлиб юмушлари билан банд бўлишганда, балки ўзга оламлар микроскопи остида улар ҳам майда бўлиб кўринаётгандир. Қадим дунё фазосида – инсоният учун хавф бўлиши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмаган; самонинг аллақаерида ҳаёт бўлиши мумкинлиги ножоиз ва ишониб бўлмайдиган воқелик бўлиб кўринган,

албатта. Ҷша вақтларнинг баъзи умумий қарашларини эслаш кулгули, ҳатто. Энг асосийси, гўёки Марсда ўзга сайёраликлар яшармиш, улар биздан кўра бир мунча ақлли, биз уларга маърифат улашишимиз учун дўстона қарши олишга шай эканлар. Аини пайтда Ерга тубсиз макон орқали ҳасад тўла нигоҳлари билан тикилиб, юқори онг, совуқ ва ҳиссиз интеллектлари билан чамаловчи бу мавжудотлар биз қирилиб кетган жониворлардан қанча юқори бўлсак, улар ҳам биздан шунча устун бўлиб, секинлик, аммо ишонч билан бизнинг устимиздан ўз адоватли режаларини тузмоқдалар. Йигирманчи аср арафасида бизнинг тасаввурларимиз чилпарчин бўлди.

Марс сайёраси – у ҳақида ўқувчига эслатиб ўтиш даркор – Қуёш атрофида айланиб, ундан ўртача 140 миллион миль узоқликда жойлашган ва офтобдан Ердан кўра кам иссиқлик ва нур олади. Туманлилик гипотезасига таянадиган бўлсак, Марс сайёраси Ердан кўра қадимийдир; унинг юзасида ҳаёт унсурлари Ерда муз эриши тўхтаган даврлардан бошлаб пайдо бўлган бўлиши керак. Унинг оғирлиги Ердан кўра етти марта кичик, шу сабаб у ерда ҳаёт бошлаш учун ҳарорат сезиларли даражада совуқлашиши керак эди. Марсда ҳаво, сув ва яшаш учун бошқа зарур нарсалар мавжуд. Лекин одамзот шунчалик манман ва сўқирки, ўн тўққизинчи аср сўнгига қадар бирор ёзувчи заминимизга ақлли мавжудотлар келиши мумкинлиги ҳақида асар ёзмаган, эҳтимол улар онги одамларникидан кўра ривожлангандир. Шунингдек, ҳеч ким Марс сайёраси Ердан қадимийлиги ҳақида ҳам ўйлаб кўрмаган, унинг ҳам Ернинг тўртдан бир ҳажмига тенг замини бор, Қуёшдан бироз узоқда жойлашган, у ерда ҳаёт биздан кўра анча аввал бошланган, аммо ҳозир якунига етиб бормоқда.

Қачонлардир бизнинг сайёрамизга ҳам қўшни планетадан етиб келадиган муқаррар совиш жараёни, шубҳасиз Марсда аллақачон бошланган. Гарчи биз Марсдаги ҳаёт тарзи билан таниш бўлмасакда, барчамиз ҳатто экваториал чизикда кундузги ҳарорат бизнинг энг қаҳратон қишимиздан кўра баланд эмаслигини биламиз. Унинг иқлими Ерникидан кўра анча-мунча ифлосланган, уммонлари бўлса кичрайган ва заминнинг фақат учдан бир қисмини эгаллайди; йил давомида фаслларнинг узлуксиз алмашилиши унинг қутб қисмига катта миқдорда музликларнинг тўпланишига сабаб бўлади, сўнг муз эриб мўътадил минтақани сув остида қолдиради. Охири босқичда эса биздан чексиз олисликда жойлашган бу силласи қуриган сайёрада яшаш аҳоли учун долзарб муаммога айланади. Кечиктириб бўлмайдиган зарурат туфайли босим остида ишлаган ақл эгалари анча толиқади, уларнинг техникаси ўсади, юраклари қаттиқлашади. Улар космик оламга қараркан, биз орзу қилишимиз мумкин бўлган восита ва билимлар билан қуролланганча ўзларидан унча узоқ бўлмаган, тахминан 35 миллион миль нарида жойлашган, Қуёш нурлари тушиб турадиган, тонгда умид юлдузи бўлиб кўринувчи – бизнинг илиқ сайёрамизга юзланадилар: бу ерда ям-яшил ўсимликлар ва шаффоф сув, туманли иқлим, серҳосилликдан сўзловчи замин, булутлар остида яшнаб турган кенг қитъалар ва денгизларда сузаётган тиқилинч майда кемалар ялт этиб кўзга ташланади.

Биз одамлар, Ерда яшовчи мавжудотлар уларга шу қадар ёввойи ва жўн кўринсақ керак, худди маймун ва лемурлар бизга қандай кўрингани каби. Инсон ақл билан тан оладики, ҳаёт бу – тириклик учун тинимсиз қурашдан иборатлиги табиий, Марсдаги-

лар ҳам шундай ҳисоблашади. Уларнинг дунёси музлашни бошлади, Ерда эса ҳаёт қайнамоқда, аммо бу ерда онги паст мавжудотлар умр кечиради. Қуёшга яқин жойлашган сайёрада янги дунё яратиш – мана уларнинг муқаррар яқинлашиб келаётган фалокатдан омон чиқиш учун ягона чораси.

Уларни қатъий муҳокама қилишдан аввал, эслатиб қўйишимиз жоизки, инсонларнинг ўзлари аёвсизлик билан нафақат камёб жонивор саналган бизон, додо қуши каби ҳайвон турларини, балки ўз туридан бўлган бошқа одамларни ҳам йўқ қилиб юборганлар. Тасмания аҳолиси масалан, сўнгги эллик йил ичида Европадан келган муҳожирлар томонидан жангда ўлдирилган. Биз шунчалик раҳмдиллик тарафдорлари эдикмики, ўзимиз каби қалбга эга марсликлардан ранжисак?

Афтидан, марсликлар ўзларининг Ерга қўнишларини ҳайратланарли аниқлик билан ҳисоблашган – уларнинг математик билимлари, бизникидан сезиларли даражада устун туради – улар тайёргарликларини қойилмақом тарзда келишиб олишган.

Агар ускуналаримиз биров ривожланган бўлса эди, ўн тўққизинчи аср ниҳоясида юқоридан бизни кузатаётишганини пайқаган бўлардик. Скиапарелли каби олимлар қизил сайёрани қизиқсиниб кузатишган, дарвоқе Марсни узоқ асрлар давомида уруш юлдузи деб ҳисоблашган – лекин улар сайёрада вақтивақти билан қизил доғ пайдо бўлиши сабабини аниқлолмаганлар, лекин харитага яхши жойлаштиришган. Шунча йиллар давомида эса марсликлар афтидан тайёргарлик билан банд бўлишган.

Тайёргарлик жараёнида, яъни 1984 йилда сайёранинг ёруғ қисмида кучли нур таралгани кўринган, бу Ликке обсерваториясида аниқланган, сўнгра

Перротен, Ницца ва бошқа кузатувчилар ҳам пайқанган. Инглиз газетхонлари биринчи марта бу ҳақида 2-август куни “Нейчер” журналида ўқишган. Мен аминманки, удар чуқур шахтадан Ерга қарата улкан тўп отишган. Ғалати ҳодиса бу, ҳозиргача портлаган икки қарама-қарши жойни кузатиб бирор хулоса чиқарилмаган.

Момақалдироқ тепамизда олти йил аввал чақнаган. Ўшанда Марс ўз мақсадига яқинлашай деганди, Лавелл Ява билан биргаликда астрономларга телеграф орқали сайёрада жуда катта қизиган газ портлагани ҳақида хабар қилишган. Бу ўн иккинчи август куни ярим тунда содир бўлган; спектроскоп ёрдамида Ерга даҳшатли тезликда яқинлашаётган, таркиби водороддан иборат иссиқ газ массаси келатгани маълум бўлган. Бу олов оқимининг тўртдан бир қисмигина кўринарди. Лавелл уни Марсда бўлган ўша катта портлаш – “қуролдан отилган снаряд” билан солиштириб кўрди. Солиштириш жуда аниқ чиқди. Лекин эртасига куни газеталарда бу ҳақида ҳеч қандай хабар эълон қилинмади, фақатгина “Дейли телеграф” нашрида кичик эслатма чоп этилди, дунё инсониятга хавф солаётган жиддий фалокат қаршисида турган эди. Афтидан, мен ҳам вулқон отилишидек бу ҳодисадан беҳабар қолардим, лекин Оттершоудаги машҳур астроном Оджилвини учратгач ҳаммаси ўзгариб кетди. У янгиликдан ниҳоятда ҳаяжонда эди ва мени ўша оқшом қизил сайёрани кузатишга чорлади.

Кейин содир бўлган барча нотинч ҳодисаларга қарамай, мен ўша тунги суҳбатимизни аниқ-тиник эслайман: тим қора, сокин обсерватория, бурчакка тушиб турган фонар, полни ёритиб турган ожиз нур, телескопдаги соатнинг бир текис чиқиллаши, шифт-



даги туйнукнинг ихчам айланаси ва у ердан кўри-  
ниб турган тубсиз осмондаги юлдузларнинг ғужуми.  
Деярли кўринмас ҳолда Оджилви асбобнинг ёнига  
сассиз яқинлашди. Телескопда тўқ кўк рангдаги до-  
ира кўриниб турар, унда эса кичик думалоқ сайёра  
сузиб юарди.

У жуда митти, ялтироқ, кўндаланг чизиқла-  
ри аранг сезилиб турадиган, бироз қийшиқ доира  
шаклида кўринарди. У кичкина, митти каллага ўх-  
шар ва илиқ кумуш ёғду таратарди. У гўёки титрар-  
ди, аммо бу коинотни акс эттираётган телескопнинг  
соат механизми таъсиридаги тебраниш туфайли со-  
дир бўларди.

Кузатиш давомида юлдузча бир кичиклашиб,  
бир катталашарди, баъзан яқинлашар, баъзан кўз-  
дан йўқолар, балки бу нигоҳлар чарчоғи туфайли  
бизга шундай туюларди. Бизни 40 миллион миль ма-  
софа – 40 миллион миль бўшлиқ ажратиб турарди.  
Бу моддий дунёда чанг каби сузиб юрадиган шун-  
дай чексизликни тасаввур қила оладиганлар кам.  
Сайёранинг яқинида учта митти ёруғлик нуқталари-  
ни кўрганим эсимда, бу учта телескопик юлдузчалар  
жуда узоқда эдилар, атрофида эса ўзгармас бўшлиқ  
маконининг зимистонлиги ҳукмрон эди. Биласиз-  
ми, бу тубсизлик қаҳрамон юлдузли тунда қандай  
кўринади. Телескоп орқали янада чексиздек сези-  
лади. Олислиги ва кенлиги, барқарор ва тезкорли-  
ги учун бу ғаройиб маконда ҳар дақиқада минглаб  
миль тезликда кечаётган ҳодисотлар менга кўрин-  
масди; ҳойнаҳой марсликлар Ерга уруш, фалокат ва  
ўлим келтирадиган нимадир йўллаган бўлсалар ке-  
рак. Мен сайёрани кузатиб бунга шубҳа қилмасдим;  
Ерда бирор кимса снаряддан тўп отганини хаёлига  
келтирмасди, албатта.

Ўша тун Марсда яна портлаш содир бўлди. Мен бунини ўзим кўрдим. Сайёрадан қизил шуъла таралди ва ўша лаҳза бир четида озгина бўртиш сезилди, ўшанда хронометр ярим тунни кўрсатиб турарди. Мен бу ҳақда дарҳол Оджилвигга айтдим ва у менинг жойимни эгаллади. Тун иссиқ эди, чанқаган эдим; қоронғуликда пийпаланиб столга яқинлашдим, у ерда сифон<sup>1</sup> турарди, шу пайт Оджилви биз томонга газли олов яқинлашиб келаётганини кўриб ҳайқариб юборди.

Ўша тун Марс томонидан Ерга янги кўринмас снаряд отилган эди – биринчиси отилгандан сўнг роппа-роса бир сутка ўтиб, ҳатто сониялари ҳам аниқ эди. Эсимда, қоронғуда стол атрофида ўтирдим; қизил ва яшил чангли нуқталар кўз олдимда гавдаланарди. Мен чекиш учун гугурт изладим. Ўша он бу портлашнинг оқибатлари ва ўзимни пана қилиш ҳақда ўйламасдим. Оджилви соат биргача кузатиб ўтирди; сўнг ишини тугатди; биз фонарни ёқиб ташқариладик ва унинг уйига йўл олдик. Зулматга чўмган тунда Оттершоу ва Чертсининг юзлаб аҳолиси хотиржам ухларди. Оджилви ўша оқшом менга Марсдаги ҳаёт ҳақида турли тахминларини айтиб ўтди ва шундай кўрқинчли гипотезага тўхталдики, гўё бу мавжудотлар бизга сигнал юбормоқда. Унинг тахминича, сайёрага метеоридлар дўлдек ёғилиши ёки улкан ҳажмда вулқон отилиши мумкин. Ақл бовар қилмасида у менга, яқинроқ иккита сайёрада шундай ҳодиса юз берганини исботлаб берди.

–Марсда яшаш учун миллионга қарши битта имконият бор, – деди у.

Юзлаб кузатувчилар ҳар оқшом – ўша кун ва

<sup>1</sup> Автоматик труба насос

кейинги кунларда фазода олов гулханини кўришди – ҳар кеча биттадан. Аммо нега ўн кечадан сўнг портлашлар тўхтади, ҳеч ким буни тушунтириб беролмади. Балки, газ орқали тўп отиш марсликларга қандайдир ноқулайлик туғдиргандир. Қуюқ тутун ёки чанглар энг кучли қишки телескоп ёрдамида митти кулранг нуқта шаклида тоза самода кезиб юарди ва шарпадек коинотга сингиб кетарди.

Ниҳоят, ҳатто газеталарда ҳам бу ҳодисани ёза бошлашди, Марсда бўлаётган вулқонлар ҳақида оммабоп эслатмалар пайдо бўлди. Эсимда, “Панч” юмористик журналида жуда ўткир ақл билан буни сиёсий карикатурага айлантиришди. Айни пайтда эса марсликлар йўллаган снарядлар Ер сари тубсиз бўшлиқ маконлар оша сониясига бир неча миль тезликда учиб келарди, ҳар кун соат сайин бизга яқинлашарди. Менга шундай вазиятда одамларнинг майда ишлар билан шуғулланишлари ғалати кўринарди, ахир устимизга фалокат ёғилмоқда эди. Ёдимда, Маркхем ўзи муҳаррирлик қиладиган «Иллюстра» журналида сайёранинг янги суратини қўлга киритгани учун қанчалик севиниб гапирган эди. Мен ҳам ўшанда катта ғайрат билан велосипед минишни ўргандим ва бир қанча журналлар ўқидим, у ерда келажак цивилизацияси ҳақида ёзилганди.

Бир оқшом (ўшанда биринчи снаряд биздан 10 миллион миль узоқликда келаётганди) мен рафиқам билан сайрга чиқдим. Осмон юлдузларга тўла эди, мен уни юлдузлар туркуми билан таништирдим ва Марсни кўрсатдим, Зенитнинг ёнида турган ёрқин нуқта эди, унга айни кунларда кўплаб телескоплар қаратилганди. Оқшом илиқ эди. Чертси ёки Айлворт туманларидаги экскурсантлар компанияси уйга қайтишар, ёнимиздан қўшиқ хиргойи қилиб ўтишарди.

Уйларнинг юқори қаватларида чироқлар ёниб турар, одамлар ётоққа чўзилишарди.

Олисларда, темир йўл станцияларидан поездларнинг тарақ-туруғи эшитилар, гўё куй каби қулоққа ёқарди. Хотиним қизил, яшил ва сариқ рангдаги сигнал оловига эътиборимни тортди, улар тунги осмонда порлаб турарди. Барчаси шундай сокин ва хотиржам кўринарди.

## 2. Кулаётган юлдуз

Сўнг илк бора юлдуз қулаган тун кириб келди. Уни тонг саҳарда пайқашди; юлдуз Венчестер узра Шарқ тарафга катта тезликда ўзидан оловли чизик қолдириб учиб кетди. Юзлаб одамлар буни одатий юлдуз учиб жараёни деб қабул қилишди. Элбиннинг маълумотларига кўра, у ўзидан яшилтоб чизик қолдирган, бир неча сониядан кейин сўнган. Метеоритлар бўйича бизнинг даҳо авторитетимиз Деннинг таъкидлашича эса, юлдуз 90 ёки 100 миль узоқликда кўзга ташланган. Назаримда, у Ерга, биздан тахминан юз миль Шарқий узоқликдаги бирор жойга қулаган.

Ўша соатда мен уйда эдим ва кабинетимда ёзиб ўтирардим; деразам Оттершоуга қараб турган ва парда суриб қўйилган эсада (мен тунги юлдузларга қараб ўтиришни ёқтираман), ҳеч нимани пайқамадим. Аммо ўша –заминга қулаган юлдузлар ичида энг антиқаси бўлган бу метеорит қачонки осмондан Ерга тушган пайтда мен столимда ўтириб уни деразадан осмонга қараб кўра оламан деб ўйлардим. Юлдузнинг парвозини кўрган айрим одамларнинг айтишича, у ғувиллаб учиб ўтган, лекин мен ўзим буни эшитганим йўқ. Беркшир, Сэррея ва Миддлсэкс аҳо-

лиси унинг қулаб тушганини кўришган ва янги метеорит тушди деб ўйлашган. Ўша тун назаримда, биров ёнига бориб қулаган жисмни яхшилаб кузатмаган.

Шўрлик Оджилви метеорит қулаганини кузатгандан сўнг уни Хорсел, Оттершоу ва Уокинг оралиғидаги бирор кимсасиз жойга тушганини тахмин қилиб эрта тонгдан юлдузни излашга киришган. Кун ёришгач, у метеоритни унча узоқ бўлмаган қумликдан топган. Жисм қулаши оқибати содир бўлган улкан ўра ва атрофда арчагулларнинг устида уюлиб ётган қум ва тошлар ярим мил наридан кўзга ташланарди. Арчагуллар тутаб ёнар, шаффоф мовий ғубор эса тонгги осмон сари ўрларди.

Қулаб тушган жисмни қум ёпиб қўйган, устида эса ғуддалар қалашиб ётарди. Дўппайиб турган жисм ташқи тарафидан катта, ёниб кетган цилиндр каби кўринар, унинг сирти эса йўғон тангчасимон қора қасмоқ билан қопланганди. Цилиндр ўттиз ярд диаметр ҳажмда эди. Оджилви куйган ва ўзгача шаклдаги ушбу жисмга яқинлашди, одатда метеоритлар шар шаклида бўларди. Аммо бу цилиндр парвоз вақтида атмосферада кучли куйганди, шу сабаб унга яқин келишнинг иложи йўқ эди. Цилиндр ичидан келаётган енгил шовқинни эшитган Оджилви унинг юзасига совутиш учун сув сепди. Ўша пайт цилиндрнинг ичи бўш бўлиши мумкинлиги унинг хаёлига келмаган.

Оджилви ўра тепасида ғалати шакл ва рангдаги цилиндрга қараб тураркан, у қандай топшириқ бўйича келгани ҳақида ўйлай бошлади. Тонгда ғалати сукунат кезар; қуёш фақатгина Уэйбриж яқинидаги қарағай ўрмонини ёритар, кун исиб борарди. Оджилвининг айтишича, ўша тонг у қушлар сайроғини эшитмабди, қилт этган шамол ҳам йўқ эмиш, фақат-

гина қасмоқ билан ўралган цилиндрнинг ичидан ғалати товуш келаркан. Чўлда бирор зоғ йўқ. У тўсатдан метеоритнинг сирти қатламидаги цилиндрнинг юқори қисми қимирлай бошлаганини ҳайрат билан сезиб қолди. Қотишманинг бўлаклари қум устига туша бошларди, худди ерга қор парчалари ёки ёмғир ёққанидек. Бирдан шовқин билан катта бўлак синиб тушди; Оджилвининг нақ юраги ёрилаёзди.

У ҳеч нимадан шубҳаланмай, гарчи жуда қайноқ бўлсада ўрага тушди, яхшироқ кўриш учун у ердаги цилиндрга яқинлашди. Астроном ҳали-ҳамон унинг ичидаги танани соvuтиш керак деб ҳисобларди, лекин ёнғин фақатгина цилиндрнинг ташқи тарафини куйдирганини ўйлаб кўрмасди.

Тўсатдан Оджилви цилиндрнинг доира шаклидаги чўққи қисми секин айлана бошлаганини пайқади. У цилиндр бош қисмининг секинлик билан айланаётганини беш дақиқа аввал қарама-қарши тарафида турган қора доғнинг энди бошқа тарафда турганидан сезиб қолди. У ҳалигача бунинг маъноси нима эканини билмасди, лекин бирдан ғижиллаш товушини эшитди ва қор доғ бир дюмга силжиганини кўрди. Цилиндр сунъий, ичи бўш ва ташқаридан бурилмайдиган қопқоқли эди! Қопқоқни кимдир ичидан бураб очмоқда эди!

-Худойим! – ҳайқирди Оджилви. – Унинг ичида одам бор! Бечора нақ ёниб кетай дебди! Ташқарига чиқишга уринмоқда!

У бир онда цилиндрнинг қулаши ва Марсдаги портлаш ўртасидаги ҳодисани солиштира бошлади. Цилиндрнинг ичида кўрқинчли мавжудот бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикр Оджилвини даҳшатга солди, иссиқликни ҳам унутиб номаълум жисмга яқинлашди, қопқоқни очишга ёрдамлаша бошла-

ди. Аммо бахтига қопқоқ жуда қайноқ эмасди ва у металлдан куйиб қолмади. У бир дақиқа нима қарорга келишни билмай иккиланиб туриб қолди, сўнг ўрадан чиқди ва оёғини қўлга олиб Уокингга чопди. Соат олтилар эди чамаси. Олим йўлда аравакаш-ни учратди ва унга бўлган воқеани тушунтиришга уринди, унинг кўриниши шунчалик ёввойи эдики-шляпасини ўрада йўқотиб қўйганди-аравакаш индамай ўтиб кетди. Шунингдек, ҳозиргина Хорсел кўпригидаги деворни йиқитган тракторчи билан бўлган суҳбати ҳам омадсиз якунланди. У Оджилвини тентак деб ўйлади ва босиб кетмаслик учун эҳтиёткорлик билан айланиб ўтди. Бу ҳолат Оджилвини бироз ранжитди, лекин лондонлик журналист Гендерсонни боғда кучуги билан сайр қилиб юрганини кўриб руҳланди ва тўсиқдан ошиб ўтиб унга иложи борича маънили сўзлашга уринди.

-Гендерсон, – гап бошлади Оджилви, – ўтган тунда қулаётган юлдузни кўрдингизми?

-Хўш?

-У Хорсел қумлоғида турибди.

-Худойим! – ҳайқирди Гендерсон. – Қулаган метеорит! Бу қизиқарли.

-Бу шунчаки оддий метеорит эмас. Бу сунъий цилиндр. Ичида эса нимадир бор.

Гендерсон қўлидаги белкурак билан ўрнидан турди.

-Нима гап? – сўради қайта. Унинг бир қулоғи оғир эди.

Оджилви кўрганларини ҳикоя қилиб берди. Гендерсон бир лаҳза ўйланиб қолди. Сўнг белкуракни ташлаб, эгнига пиджагини илди ва йўлакка чиқди. Иккиси метеорит томон йўл олишди. Цилиндр ҳалиям ўшандек аҳволда ётарди. Энди ундан товуш

эшитилмасди, қопқоқ ва цилиндр корпуси юзасида металл излар ялтираб турарди. Ҳаво оқими ичкарига ёки ташқарига шиддат билан шувиллаб кириб-чиқарди. Улар қулоқларини динг қилишди, чўп билан юзасига тегиниб кўришди, жавоб бўлмагач унинг ичидаги одам ёки одамлар – ҳушини йўқотган ёки ўлган деган қарорга келишди.

Албатта, иккисининг қўлидан ҳеч нима келмасди. Улар руҳлантирадиган бир неча жумлаларни айтиб кичқиришди, қайтишга ваъда беришди ва ёрдам сўраб шаҳарга отланишди. Ҳаяжонланганча ва хаёллари тўзғиганча ифлосланган харобазор бўйлаб кўёш нурлари остида чопиб боришаётган ўша тонги соатларда баққоллар энди пештахталарини, аҳоли эса ётоқ деразаларини очишаётганди. Гендерсон энг аввал темирўл станциясига йўл солди, телеграф орқали Лондонга хабар йўлламоқчи эди. Газеталар бу оламшумул хабарни қабул қилишлари учун муштарийларни аллақачон тайёрлаб бўлишганди.

Соат саккиз бўлгач бир гала ўғил болалар харобазорга отланишди, улар “марслик ўлик”ни кўрмоқчи эдилар. Бу ҳодиса ҳақидаги илк тахмин эди. Мен эса бу ҳақда биринчи марта ўн бештакам тўққизда “Дейли крокинл” газетасини сотиб олиш учун ташқарига чиққанимда газетчи боладан эшитдим. Албатта, мен ҳайратландим ва зудлик билан Оттершоу кўприги орқали харобазор томон йўл олдим.

### **3. Хорселдаги харобазор**

Цилиндр ётган улкан ўра атрофида йигирма чоғли одам йиғилганди. Айтганимдек, бу ер худди снаряд тушгандек қиёфага кирганди. Кўриниб турибдики, зарба туфайли цилиндр ёниб кетган. Ген-



дерсон ва Оджилви бу ерда кўринмасди. Менимча, улар ҳозир ҳеч нима қилмаслик кераклигини англаб, Гердерсоннинг уида нонушта қилишга кетишган.

Ўранинг четига оёқларини туширволганча тўрт-бешта болакай ўтирарди; улар қизиққанидан (то уларни тўхтатмагунимча) ғалати жисмга қарата тош отишарди. Сўнг менинг гапимга кириб, катталар атрофига чошиб қувлашмачоқ ўйнашга киришиб кетишди.

Йиғилганлар орасида иккита велосипедчи, боғбон, мен баъзан ёллайдиган кунбай ишчи, кўлида бола кўтарган қиз, ўғлини етаклаб олган қассоб Грег, гольф майдонида хизмат қиладиган ва станцияда шов-шув қилиб юрадиган бир нечта шўх болалар бор эди. Улар кам гапиришарди. Ўша пайт Англияда оддий халқ орасида камчилик астрономия ҳақда тушунчага эга бўлди. Кўпчилик томошатаблар Оджилви ва Гендерсон томонидан топилма цилиндрнинг силлиқ қопқоғини жимгина кузатишарди. Ўйлашимча барча бу ерда ёпиқ цилиндр ўрнига куйиб битган танани кўрамиз деб ўйлашганди, шу сабаб айримлар уйга қайтишди, ўрнига эса янгилар келишда давом этарди. Мен ўрага тушганимда оёқларим остида енгил тебранишни сездим. Қопқоқ қўзғалмай жойида турарди.

Фақатгина цилиндрга жуда яқин келгандагина мен унинг ноодатий кўринишини пайқадим. Авваллига у унчалик ғалати кўринмаганди, тўнтарилган экипаж ёки қулаган дарахтга ўхшарди. Балки ҳажми ундан кичикдир. Кўпроқ у ерга кўмилган занглаган газли ҳавзани эслатарди. Фақат илмий билимга эга инсон цилиндр юзасидаги кулранг қоплама шунчаки оксид эмаслигини, қопқоқ остидаги сарғиш-оқ металл ғалати ранг эканини сезган бўларди. “Ердан

ташқарида” ибораси кўпчилик томошабинлар учун тушунарсиз эди.

Цилиндр Марсдан тушганига шубхам йўқ эди, аммо унинг ичида бирор тирик мавжудот бор экани ишонарсиз деб ҳисоблардим. Менимча, уни қисмларга ажратиш автоматик равишда кечади. Оджилви қарши бўлсада, мен Марсда одамлар яшашига ишонардим. Менинг тасаввурим ўйноқларди: балки унинг ичида қандайдир қадимий кўлөзма бордир; биз уни ўқий оламизми, у ерда тангалар, турли буюмлар топилармикин? Умуман олганда, цилиндр булар учун жуда катталик қилади. Мен сабрсиизлик билан унинг ичида нима борлигини кўришга қизиқиб кетардим. Соат ўн бирларгача ҳеч нима содир бўлмади ва мен Мэйберига, уйимга қайтдим. Лекин мен мавҳум тадқиқотлар гирдобида эдим.

Тушлиқдан сўнг харобазорни таниб бўлмай қолди. Газетанинг оқшом сони бутун Лондонни ларзага солди: “Марсдан хабар”, “Уокингда ақл бовар қилмас ҳодиса” – катта шрифтларда ёзилган сарлавҳалар муқовани безаганди. Бундан ташқари, Оджилвининг Астрономик қўмитага йўллаган телеграммасидаги хабар барча британ обсерваторияларига етиб борганди. Қумлоқ ўрага элтадиган йўлда станциядан келаётган ўнлаб аравалар, Чобхемдан файтонлар, кимларнингдир карета, велосипедларини кўриш мумкин эди. Кўпчилик аҳоли кун иссиқ бўлишига қарамай, Уокинг ва Чертсидан пиёда йўлга чиққан, шу сабаб тартибли оломон уюми ҳосил бўлган, улар орасида ҳатто беҳоллашган хонимлар ҳам бор эди.

Ҳаво дим эди; осмонда бирорта булут кўринмасди, қилт этган шамол эсмайди, соя жой фақат сийрак қарағай остидагина бор эди. Арчагуллар энди ёнмас, лекин Оттершоугача бўлган йўл қоралиғида катта дим-

ланганди. Чобхемс кўчасидаги озиқ овқатлар дўконининг тадбирли хўжайини ўғли орқали қўлбола аравага яшил олма ва занжабилли лимонад солинган бутилкаларни юклаб жўнатибди.

Ўранинг четига яқинлашиб у ерда бир тўда одамларни кўрдим: Гердерсон, Оджилви ва баланд бўйли оқ танли жентелмен (уни кейинроқ танидим, қироллик астрономи Стент экан); белкурак ва чўкич билан қуролланган бир нечта ишчилар туришарди. Стент аниқ-тиниқ қилиб баланд овозда буйруқ берарди. У цилиндрнинг қопқоғи томон кўтарилди, у аллақачон совуганди. Астрономнинг юзи қизарган, пешона ва ёноқларидан тер оқар, нимадандир асабийлашарди. Цилиндрнинг катта қисми қазиб чиқарилганди, қуйи қисми эса ҳали ер тагида эди. Оджилви мени оломон ичида кўриб қолиб имлади ва шу ернинг эгаси бўлмиш лорд Хилтонни чақириб келишимни сўради.

–Йиғилган бу одамлар, айниқса болачалар ишлашимизга халал беряпти, –қўшимча қилди у. –Жамотчиликни бу ҳодисадан ажратиш ва нарироқ қилиш керак.

У яна менга цилиндрдан сушт шовқин эшитилаётгани, аммо улар қопқоқни оча олишмаганини айтиб ўтди. Цилинд деворлари кўринишидан жуда қалин ва у ердан товуш эшитилмоқда еди.

Бу илтимосни бажонидил бажаришга киришдим, шу тариқа цилиндрнинг очилишида имтиёзли томошабинлар қаторида бўламан деб умид қилдим. Лорд Хилтонни уйдан тополмадим, лекин Лондондан соат олтида етиб келишини билдим: соат тўртдан ўн беш дақиқа ўтган эди, мен ичкарига бир финжон чой ичишга кирдим, сўнг Хилтонни қарши олиш учун станцияга йўл олдим.

#### 4. Цилиндр очилмоқда

Харобазорга қайтганимда, қуёш ботганди. Уокинглик аҳоли шу ерда эди, икки-учтасигина уйга қайтганди. Оломон ўрани тўлиқ ўраб олган, осмон қорамтир сарғиш тусга кирган; юзлаб одамлар йиғилганди. Нималардир деб бақирешар; ўранинг ёнида қандайдир баҳс бўларди. Мени қўрқув хисси эгаллаб олди.

Яқинлашарканман, Стентнинг овозини эшитдим:

–Қочинглар! Наридинглар!

Ёнимга бир болакай югуриб келди.

–У қимирляпти, –деди менга, – ҳаммаси айлангани айланган. Бу менга ёқмаяпти. Яхшиси, уйга кетаман.

Мен яқинроқ бордим. Оломон қуюқ эди – йигирма-ўттиз чоғли; ҳаммаси тикилишиб бир-бирининг оёғини босарди. Башанг аёллар алоҳида ажралиб туришарди.

–У ўрага тушиб кетди! – қичқирди кимдир.

–Орқага. Орқага! – овоз янгради.

Оломон биров тин олди, мен эса олдинга сурилдим. Ҳамма кучли ҳаяжонда эди. Мен ўрадан қандайдир ғалати, сушт шовқин эшитдим.

– Бу ахмоқларни йўқотсангларчи! – ҳайқирди Оджилви. – Ахир бу лаънати матоҳ нима эканини ҳали билмаймиз!

Кимдир туртиб юборгани учун ўрага тушиб кетган ва чиқишга уринаётган йигитга кўзим тушди, у менимча Уокингнинг суд ижрочиси эди. Цилиндрнинг юқори қисмидан ушлаб бураб ердан суғуриб олишмоқда эди. Фақатгина икки футли ялтироқ бурама асбоб кўринарди. Кимдир орқамга тегиб

кетганди, мен нақ очилаётган қопқоқнинг устига тушиб кетай дедим. Ортимга ўгирилиб қараган пайтим қопқоқ шиқ этиб очилганини эшитдим ва у ерга тушди. Ўзимни орқароққа олиб цилиндр тарафга юзимни бурдим. Думалоқ бўм-бўш туйнук ичи тим қора эди. Ботаётган қуёш нурлари кўзларимга тушарди. Барча афтидан туйнукдан одам чиқади деб кутганди; балки у бизга ўхшамас, ерлик эмасдир, лекин барибир кимдир чиқиши керак эди. Мен ҳам шуни кутгандим. Лекин қоронғуда нимадир турганини кўрдим – кулранг, тўлқинсимон, ҳаракатланувчи; иккита диск ялтираб турарди, худди кўзлар каби. Сўнгра кулранг илонга ўхшаш ҳассадек йўғонликда нимадир узук шаклидаги туйнукдан ҳаракатланганча, аввал мен томонга, сўнг бошқа тарафга буралиб чиқа бошлади. Мени титроқ босди. Орқамда бир аёл қичқириб юборди. Мен кўзимни цилиндрдан узмаган ҳолда бироз қайрилиб пайпасланганча ўра четидан узоқлаша бошладим. Атрофдаги одамлар юзида даҳшат ифодаси пайдо бўлди. Турли томонларда қичқириқлар эшитила бошлади. Оломон ортга чекинди. Суд ижрочиси ҳалиям ўрадан чиқолмаганди. Кўп ўтмай мен ёлғиз қолдим, барча тумтарақай бўлиб қоча бошлади, ўранинг қарама-қарши томонидаги одамларнинг қочишини кузатиб турдим, улар орасида Стент ҳам бор эди. Мен яна цилиндрга қарадим ва даҳшатдан қотиб қолдим. Қоқшолдек қимирлолмай қараб турардим.

Катта кулранг юмалоқ гўштли тана, эҳтимол айиқнинг катталигидек келар, секинлик билан цилиндрдан чиқа бошлади. Ёруғликда кўрингач, у нам тасмага ўхшаб қолди. Иккита катта қора кўзлари билан менга қаради. Махлуқнинг кўзлари остида оғзи бор эди, у титраб ўзидан сўлак оқизарди. У оғир на-

фас олар ва бутун танаси қалтирарди. Унинг ингичка пайпаслагичлари цилиндрнинг ёқасида турар, биттаси эса ҳавода ўйнарди. Аввал тирик марсликлар билан тўқнашмаган одам албатта унинг жирканч қиёфасидан ваҳимага тушади. Учбурчак оғизнинг юқори лаби дўппайиб туради, пешонаси йўқ, пастки лаб остида ияк ҳам кўринмайди, тинимсиз титрайдиган оғиз, Горгон медузалари каби пайпаслагичлар, иқлимга ўрганмаган шовқинли ҳансиранц, қайрилолмасдан қийинчилик билан ҳаракатланиш – Ерда унга катта куч керак бўларди – айниқса, тикилиб қаровчи катта кўзлари – буларнинг бари кўнгилни айнитарди. Ёғли қора териси қўзиқориннинг сирғанчиқ қатламини эслатарди, бесўнақай, оҳиста ҳаракатлари чидаб бўлмас ижирғанишни пайдо қиларди. Илк тасаввурдаёқ, бирров кўз югуртирганда ҳам мен ўлим иси ва жирканишни ҳис қилдим.

Тўсатдан махлуқ кўздан йўқолди. У цилиндрдан чиқиб ер остига кириб кетди. Мен гунгларга хос товуш эшитдим, кейин эса туйнуқдан биринчи, ортидан иккинчи махлуқ кўриниш берди. Менинг донг қотиб туришим бирдан йўқолди ва оёғимни қўлимга олиб дарахтзорга чопдим, цилиндрдан тахминан юз ярдга олисладим; лекин орқамга қараб чопганим учун тез-тез қоқилардим, чунки бу мавжудотлардан кўзимни узгим келмасди.

У ерда ёш ғудда ва буталар орасида тўхтадим, нафасимни ростлаб энди нима бўларкин, деб кутдим. Атрофимда харобазордаги қумли ўра томондан менга ўхшаб қочиб келган одамлар кўп эди, улар қизиқиш ва қўрқув билан махлуқотлар ётган ўрадан кўз узишмасди. Бир пайт мен ўрадан чиқаётган қора думалоқ нарсани пайқаб қолдим. У сотувчининг калласи эди, шафақ нурида у қора кўринарди. Мана

унинг елкалари ва тиззаси кўринди, лекин қайтиб ўрага қулаб кетди, фақат боши чиқиб турибди. Сўнг у бутунлай кўринмай қолди, енгил қичқириқ эшитилди. Аввалига ортга қайтиб унга ёрдам бермоқчи бўлдим, лекин кўрқувдан қимирлолмасдим.

Мен бошқа ҳеч нима кўрмадим, ҳамма сирлар цилиндр қулаган қумлоқ остидаги ўрада қолиб кетди. Агар бирор тасодифий йўловчи Чобхем ёки Уокинг кўчасидан ўтиб қолса, юзлаб одамлар ариқлар, буталар, эшиклар ва тўсиқлар ортидан жимгина бор вужудлари кўзга айланиб қумлоққа қараб турганидан ажабланган бўларди. Ташлаб кетилган занжабилли лимонад бочкаси ловуллаётган осмон фонидида қорайиб турар, қумлоқда бўш аравалар ётар; отлар эса ўз тўрваларидаги жўхорини ер ва туёқлари билан депсинишарди.

### 5. Иссиқлик нури

Ўз сайёраларидан Ерга қўнғач цилиндрларидан ёриб чиққан марсликлар мени ўзига жалб қилди ва гўё фалажлади. Мен узоқ вақт тиззамгача келадиған арчагул буталари орасида туриб қумлар уюми тарафга тикилиб қолдим. Ичимда қўрқув ва қизиқиш ҳислари курашарди. Мен яна қайтиб ўрага боришга иккиланардим, лекин у ерни жудаям кўргим келарди. Шу сабаб у ёқдан бу ёққа юра бошладим, ўзим учун қулай жой изладим, кўзларимни эса қумлоқдан узмасдим, ахир у ерда марслик келгиндилар яширинган. Бир марта шафақ нури остида учта қора қўл кўринди, афтидан у махлуқнинг пайпаслагичлари эди, аммо шу заҳоти яна кўздан йўқолди; сўнгра ингичка тирсақлар кўзга ташланди ва юмалоқ, ликиллаб турган дисксимон нарса секин юқорига чиқа

бошлади. Қизик, улар нима қилишяпти экан?

Томошабинлар икки гуруҳга ажралишди: биринчиси кўпчилик – Уокингда яшовчилар, иккинчиси камчилик – Чобхемликлар. Назаримда, улар ҳам мен каби титроқда эдилар. Мендан бироз нарида бир нечта одамлар турарди. Улардан бирининг ёнига бордим – у менинг қўшним эди, лекин исмини билмасдим, барибир гаплашишга уриниб кўрдим. Лекин ҳозир суҳбат учун ноқулай палла эди.

– Бу қандай махлуқ бўлди! – деди у. – Худо-йим, қандай кўрқинчли! – у гапани бир неча марта такрорлади.

– Ўрага тушиб кетган одамни кўрдингизми? – сўрадим, лекин жавоб ололмадим. Биз жимгина ёнма-ён турганча ўзимизда ишонч билан ўрага тикилардик. Кейин мен яхшироқ кузатиш учун бир ярд баландликдаги дўнгликка чиқдим. Аланглаб қўшнимнинг Уокингга қайтаётганини кўрдим.

Қуёш ботган, шафақ қуюклашган, ҳеч бир ҳодиса юз бермасди. Ўнгда, Уокинг тарафда турган оломон кенгайган, мен уларнинг тушунарсиз ғала-ғовурини эшитардим. Чобхем кўчаси тарафдаги одамлар эса паришон эди. Ўрага келсак, худди музлаб қолгандек жимлик.

Томошатаалаблар аста-аста жонлана бошлади. Балки Уокингдан янги келган одамлар туфайли бўлса керак. Шом пайти қумли дўнгликларда узук юлук ҳаракатлар сезила бошлади – атрофда хукмронлик қилаётган сукунат одамларни анча тинчлантирди. Қора шарпалар майда қадамлар билан ярим ой томон, аста ўранинг атрофини ўрай бошлашди. Мен ҳам одамларга қўшилиб ўрага яқинлашдим. Сўнгра ташлаб кетилган бир уюм арава эгалари ва бошқа довюрак одамлар ўрага яқин келишди, туёқ қадам-



лари ва ғилдираклар ғижирлаши қулоққа чалинди. Дўкондорнинг ўғли олма ортилган аравасини юргизди. Сўнгра ўрадан ўттиз ярд узоқликда Хорселдан келаётган бир тўда одамлар қорасига кўзим тушди; олдинда кимдир оқ байроқ кўтариб олганди.

Бу делегация эди. Шаҳарда маслаҳат қилишиб, марсликлар гарчи бадбашара кўринишга эга бўлсаларда, афтидан ақлли жониворга ўхшайдилар, биз ҳам уларга ақлли мавжудот эканимизни билдиришимиз керак деган қарорга келибдилар.

Байроқ шамолда хилпираганча бизга яқинлашарди – аввалига ўнг тарафимдан, сўнг чап ёнимдан айланиб ўтишди. Мен улардан бироз узоқда эдим, ҳеч кимни танимадим, лекин кейинроқ улар сафида Оджилви, Стент ва Гендерсон ҳам борлигини билдим, улар ҳамкорликда марсликлар билан муносабат ўрнатишмоқчи эди. Бу делегация оломоннинг эътиборини тортди ва уларни ҳалқа каби ўраб олишди, қора шарпалар уларга эргашди.

Кутилмаганда нур порлади ва ўрадан яшилтоб тутун кўтарилди, кетма-кет ҳавога уча бошлади. Бу тутун (олов десам балки ўринли бўларди) шунчалик ёрқин эдики, тўқ кўк осмонга ўрлар ва Чертсигача сузиб борарди, бу туман ичида қолган харобазордаги қарағайлар бирдан қора рангга кира бошлади. Ўша лаҳза биз кимнингдир ожиз инграшини эшитдик.

Ўранинг чеккасида бир тўда одам ва оқ байроқ турар, ҳайратдан карахт бўлган майда қора шарпалар осмон фонида ердан учиб чиққандек таассурот қолдирарди. Яшил тутуннинг чарақлаши уларнинг рангпар юзларига яшилтоб тус берарди.

Пичирлашлар аввалига тушунарсиз минғирлашдан иборат эди, сўнг овозлар баланд кўтарилди; ўрадан букри соя узайиб чиқди ва шуъла ўрнида қан-

дайдыр сунъий нур пайдо бўлди.

Аланга тафти, кўзни қамаштирадиган олов шиддати одамларга ҳам кўчди. Гўё кўринмас оқим уларни оқ ёғду билан ургандек бўлди. Бир лаҳзада ҳар бир одам ёнаётган машъалага ўхшаб қолди.

Одамларни ёқиб юборган аланга ичра уларнинг гандираклашлари ва йиқилишлари, турли тарафга ўзларини отишларини кўрдим. Мен тик туриб уларни кузатар, ўлим бирма-бир барчани маҳв этаётганини англолмай турардим. Фақат қандайдир ғалати фалокат рўй бераётганини ҳис қилардим. Деярли сассиз кечаётган ёғду порлашидан одамлар ҳам ўз-ўзидан йиқилиб қимирламай ётарди. Кўринмас олов туфайли қарағайлар ёпирилиб, қуруқ шохга айланарди. Ҳатто узокдаги Неп-Хиллда ҳам дарахтлар, тўсиклар, ёғоч қурилмалар қурий бошлади.

Бу оловли ўлим, бу кўринмас муқаррар ёнувчан шамшир бир онда таъсир қилар ва қаттиқ зарба берарди. Ёниб битган бутага қараб тушундимки, у менга ҳам яқинлашиб келмоқда, лекин мен шунчалик фалаж ва эсанкираб қолгандимки, қочиб ўзимни қутқаришга ярамасдим. Мен оловнинг ғувуллаши ва қумлоқда кутилмаганда отларнинг кишнай бошлаганини эшитдим. Гўё кимнингдир кўринмас қизиган бармоқлари харобазорда мен ва марсликлар ўртасида ҳаракатланар, оловли чизиқ чизиб, ҳамма ёқда тутун тарқатиб вишилларди. Олисларда нимадир баланд товуш чиқариб қулаб тушди, чап тарафнинг қаеридадир, Уокинг станциясига борадиган йўл тарафда содир бўлди бу. Вишиллаш ва гувиллаш якун топди, қора гумбаз шаклидаги мавҳум нарса секин ўрага тушди ва яширинди.

Бу шунчалик тез содир бўлдики, мен ҳалиям қимирлолмай қотиб қолганча шуъладан кўзим қама-

шиб турардим. Агар бу ўлим барчани ҳалок қилган бўлса, унда мениям четлаб ўтмаган бўларди. Лекин ёнимдан сирпаниб ўтиб кетган чоғи менга раҳм қилди.

Атрофни ўраб олган тун янада мудҳиш ва қоронғу қиёфага кирди. Харобазордаги дўнглик қора тусга бурканди, фақат шосседаги чизиқлар тўқ кўкиш осмон остида кулранг тусда кўринарди. Одамлар йўқ. Самода юлдузлар ёнар, Ғарбда эса рангпар яшил чизиқ кўзга ташланади. Тунги осмон остида Хорселнинг уй томлари ва қарағайларнинг юқори қисми яққол кўриниб турарди. Марсликлар ва уларнинг қуроллари йўқ эди, фақат ингичка устунда кўзгу тинимсиз айланарди. Дарахтлар ёнган, қаердадир буталар тутун чиқарарди, оқшом ҳавосида Уокинг станцияси тарафдаги устунлардан ёнғин иси анқирди.

Ҳамма нарса худди аввалгидек, гўё бу ўлим олови атрофда кезмагандек. Оқ байроқ кўтарган бир тўда одамлар шарпаси йўқ қилинди, аммо негадир бу оқшом ҳеч ким жимликни бузмади. Бирдан тушундимки, бу ерда қоронғу харобазорда мен ёлғизман, ҳимоясиз ва якка. Танимни нимадир қамраб олди... Кўрқув!

Бор кучим билан ўгирилдим ва арчагулларга қоқилганча югурдим. Мени қуршаб олган кўрқув ҳисси оддий ваҳима эмасди. Бу марсликлар қаршисидаги жавобсиз кўрқув эди, атрофдаги қоронғулик ва жимликка нисбатан кўрқув эди. Мени жасурлик тарк этган, боладек нафасим тикилиб чопиб борардим. Орқамга қарашга жазм қилмадим.

Эсимда, менда шундай ҳиссиёт бўлдики, кимдир мен билан ўйин қиляпти, мана ҳозир мен хавфсиз маскандаман, бир лаҳзада содир бўлувчи сирли

Ўлим, оловли шуъла, қора ўрада ётган цилиндрдан бирдан кимдир чиқиб келади ва мени турган жойимда йўқ қилади.

### 6. Чобхем кўчасидаги иссиқ нур

Марсликларнинг қандай қилиб одамларни бунчалик тез ва сассиз ўлдириб юбориши ҳалигача тушунарсиз эди. Кўпчиликнинг тахмин қилишича, улар қандайдир усул воситасида жадаллик билан иссиқлик тўплай олади ва бунинг учун иссиқлик камераси шарт эмас. Бу иссиқлик манбаини улар танланган объектга параллел нурлар орқали йўналтиради, порлатилган параболик ойна ёрдамида яратилган номаълум модда маёқ каби шуълалар боғламида бирлашади. Лекин буни ҳеч ким исботлаб беролмасди. Бир нарса шубҳасиз – бу ерда иссиқ нурлар бор. Кўринадиган нур ўрнига иссиқ кўринмас нурлар бор эди. Ёниши мумкин бўлган барча нарса аланга тилига тегиши билан жизғанак бўлар; суюқлик қўрғошиндек қотар; темир эриб кетар; шишалар ёрилиб кетар, улар сувга тушиши билан эса бир онда буғланиб кетарди.

Ўша тун таниб бўлмайдиган даражадаги ўртача қирқта одам ўра атрофида юлдузлар остида ётарди ва тун бўйи Хорселл ва Мейбери орасидаги харобазор кимсасиз эди, фақатгина шуъла тараларди. Чобхем, Уокинг ва Оттершоуда афтидан ўша пайтдаёқ фалокат ҳақида эшитишганди. Уокингда дўконлар ёпилган, ҳодиса юз бериши билан одамлар тўдаси ўзлари эшитган гап-сўзларга ишонч ҳосил қилиш учун Хорселл кўприги бўйлаб тўсиқли чегараларни ёриб ўтиб харобазорга отланишганди. Кундузги ишини якунлаган ёшлар шу янгилик баҳонасида сайр қилиш ва кўнгилочиш учун ҳам бу ерга отланишган-

ди. Тасаввур қияпсизми, қоронғу кўчада қандай ғала-ғовур бўлганини...

Уокингда цилиндр очилганини камчилик биларди, гарчи бечора Гендерсон велосипед орқали оқшом газетасига махсус телеграмма жўнатган эсада. Икки-уч кишилашиб сайрга чиққан одамлар очик ўрага яқинлашишаркан, кумлоқдаги кўзгу ҳақида ҳаяжонланиб гапиришаётганини кўришди; уларнинг ҳаяжони, шубҳасиз бошқаларгаям юқди.

Соат саккиз яримларда, делегациядан бироз олдин, ўра ёнида уч юз чоғли одам йиғилганди, агарда йўлдан қайтганларни айтмаса, улар марсликларни яқинроқдан кўришни исташарди. Улар орасида учта полиция ходими, битта суворий; улар Стентнинг йўриқномасига кўра ҳаракат қилишар, оломонни муҳофаза қилиб, цилиндрга яқинлаштирмасликка ҳаракат қилардилар. Албатта, бунинг урдасидан чиқиш қийин эди, қизиқувчан каллалар ўрага мўралашда давом этарди, айримлари шовқин қилиб гап сотарди.

Марсликлар ўз цилиндрларидан чиққанларидан сўнг Стент ва Оджилви тўқнашув содир бўлишини тахмин қилиб, Хорселдан казармага телеграф жўнатишган, ғалати махлуқотлардан ҳимояланиш учун аскарлар юборишини сўрагандилар. Шундан сўнг улар делегация тепасига қайтиб келган. Оломон ичидаги одамлар кейинчалик уларнинг ўлимини тасвирлаб беришди – улар ҳам мен кўрганларимга гувоҳ бўлишган: уч хил яшил тутун, ғўнғирлаган товуш ва олов учқунлари. Бироқ томошабинлар оломонига мендан кўра хавф эҳтимоли кучли эди. Уларни фақат қумдан қурилган хароба тепалик орти қутқатиб қолди, у ерга иссиқ нурлар етиб бормади. Агар параболик кўзгу бир неча ярд баландроқ кўтарилганида,

уларнинг бирортаси ҳам омон қолмасди. Улар олов қандай кўтарилгани, одамлар йиқилгани, кўринмас қўл қандай қилиб буталарни ёққанини ўз кўзлари билан кўришди. Сўнг ўрадан чиққан шовқин аралаш нур уларнинг боши узра порлади; кўчадаги қорақайиннинг юқори шохлари ловуллаб ёнди; харобазорга яқин уйларнинг ғишtlари дарз кетди, деразалар ойнаси синди, ойна ромлари синиб, томлар қисирлади.

Аланга олган дарахтлар чирсиллаётган пайтда ваҳимага тушган одамлар бир неча сония иккиланганча жойларида қотишди. Учқунлар ва ёнаётган новдалар йўлга тушарди, оловли барглар гир айланарди. Шляпа ва кийимлар куярди. Харобазордан кучли чинқириқлар эшитиларди.

Ҳайқириқлар ва қийқириқлар бирлашиб қулоқни қоматга келтирадиган шовқинга айланди. От минган полициячи бошини қўллари билан ушлаганча оломон ичра от чоптириб бақирарди.

–Улар келяпти! – бир аёл қичқирди, ўзини орқага олди, одамлар бир-бирини туртиб Уокинг кўчасига отилишди. Оломон кўр-кўрона чопишар, худди қўй тўдасига ўхшашарди. Кўчалар қоронғулашган, баланд уюмлар орасида катта тикилинч ҳосил бўлди. Жараён қурбонсиз кечмади: уч-тўртта аёл ва битта болакай оёқ остида қолиб кетди; уларнинг қўрқув ва қоронғуликда ўлиши муқаррарлиги маълум бўлсада ташлаб қочишди.

## 7. Уйга етиб олганим

Менга келсак, дарахтга чиқиб олганим ва бутазорга йиқилиб тушганим эсимда қолган. Қаршимда кўринмас даҳшат турарди; шафқатсиз марсликларнинг қайноқ шамшири бошим узра кезиниб юрарди,

мана мана деганда менга ҳам тегиб кетиб нобуд қиларди. Мен Хорсел чоррахасига етиб олдим ва кўча бўйлаб чопа кетдим. Охир оқибат тез югурганим ва кўрққаним туфайли терга ботдим, кўприкдан узоқ бўлмаган газ заводи ёнида қоқилиб ерга йиқилдим. Мен қимирлолмай ётардим.

Назаримда, узоқ вақт ўша ерда чўзилиб қолдим. Сўнг ўрнимдан эсанкираб турдим. Бир дақиқача бу ерга қандай келиб қолганимни англолмадим. Боя содир бўлган даҳшатли ҳодисани эслашим билан силкиниб олдим, аниқроғи кийимларимни қоқдим. Шляпам йўқолганди, ёқам манжетимдан чиқиб кетган. Бир неча дақиқа аввал қаршимда нафақат чексиз тун, макон ва табиат, балки ҳимоясизлигим, кўрқувим ва ўлим хавфи мавжуд эди. Мана энди бари ўзгарди, кайфиятим бутунлай бошқача эди. Рухий аҳволимнинг бир ҳолатдан иккинчисига ўтиши сезиларсиз кечди. Мен яна ўзим билан ўзим, ҳар кун қандай бўлсам шундайлигимча қолдим, – оддий камтарин шаҳарлик. Тилсиз харобазор, менинг қочишим, учувчи аланга – худди тушга ўхшайди. Мен ўзимдан сўрардим: бу ҳодиса чиндан ҳам рўй бердими? Мен бўлиб ўтган воқеага ишонгим келмасди.

Қаддимни ростлаб кўприкка чиқдим. Каллам яхши ишламасди. Мушакларим ва асабларим бўшашганди... Мен маст одамдек қадам ташлардим. Кўприкнинг нариги тарафидан кимнингдир боши, сўнг ишчи арава кўринди. Унинг ёнида кичкина болакай келарди. Ишчи ёнимдан хайрли оқшом тилаб жимгина ўтиб кетди. У билан гаплашишга мажолим етмади. Фақатгина илтифотига жавоб қилиб минғирладим ва кўприкдан ўтишда давом этдим.

Мейберига қайрилишда поезд кўринди – тўлқинли тасма ўзидан оқ тутун қолдирар, узун вагон-

ларнинг ёруғ ойналари ялт-ялт ўтарди – у Жанубга кетарди: тук-тук... тук-тук... ва кўздан йўқолди. Қоронғуликда бир талай одамлар ўз уйларининг дарвозалари ёнида, Шарқона айвонда гаплашиб ўтиришарди. Ҳаммаси жуда табиий, жуда таниш манзара эди! Лекин, қумлоқдачи?.. ишониб бўлмайдими, фантастика! “Йўқ, – ўйладим мен, – бўлиши мумкин эмас”.

Эҳтимол, мен алоҳида одамдирманки, ҳис қилаётганим оддий эмасди. Баъзида мен ўзимдан ва атрофдагилардан бегонасирашдек ғалати туйғудан азоб чекаман. Мен ташқаридан барчани кузатаман, узоқларда қаердадир вақтдан ташқарида, макондан ташқарида, аҳолининг трагик урушларидан ташқарида бўламан. Ўша тун бу ҳиссиёт менда жуда кучли эди. Балки буларнинг бари кўзимга кўрингандир деб ўйлардим. Бу ер шунчалик осойиштаки, икки мил нарида шиддатли ва учувчи ўлим сузиб юрибди. Газ заводи шовқин билан ишларди, электр фонарлар ёрқин нур сочарди. Мен суҳбат қураётганлар ёнида тўхтадим.

–Харобазорда нима гаплар? – сўрадим мен.

Дарвоза ёнида икки эркак ва бир аёл турарди.

–Нима? – эркак мендан қайта сўради.

–Харобазорда нима гаплар дейман? – такрорладим.

–Ўзингиз ўша ерда бўлмадингизми? – сўрашди улар.

–Ҳамма одамлар ўша ерга отланишганди, – деди аёл дарвоза ортидан туриб. – У ерда нима топишибди ўзи?

–Марсдан келган мавжудотлар ҳақда эшитмадингизми? – дедим мен. – Марслик тирик махлуқотлар?

–Жонга тегишди, – деди аёл. – Раҳмат.